



ХАЛҚНИ РОЗИ ҚИЛИШ – БАРЧА РАҲБАРЛАРНИНГ ЭНГ УСТУВОР ВАЗИФАСИ

**Президент Шавкат Мирзиёев
26 июль куни аҳоли турмушини
яхшилаш ва тadbиркорлар
фаоллигини оширишга
қаратилган таклифлар
муҳокамаси юзасидан
йигилиш ўтказди.**

Сўнгги йилларда барча соҳа ва йўналишларда фундаментал ислохотлар амалга оширилди. Тараққиёт стратегияси мамлакатимизда ривожланишнинг янги босқичини бошлаб берди. Инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш унинг биринчи мақсади этиб белгиланган.

Иқтисодиёт ва ижтимоий ҳаётдаги барча соҳалар инсон манфаатларини таъминлашга қаратилган. Хусусан, жорий йилнинг биринчи ярмида ялпи ички маҳсулот 5,4 фоиз ўсган. Саноат, қурилиш, савдо ва хизматлар соҳаларидаги ривожланиш суръатлари ҳам, пировардида, аҳоли турмушида намойён бўлмоқда.

Шу билан бирга, Халқ қабулхоналари, ижтимоий тармоқлар ва сўровлар орқали соҳа ва ҳудудлардаги муаммолар, одамларнинг адолатли таклифлари ўрганиб борилмоқда. Улар асосида халқимизни рози қиладиган қарорлар қабул қилинмоқда.

Жумладан, тadbиркорлик бўйича лицензия ва рухсатномаларни расмийлаштириш тартиби соддалаштирилди, мuddатлари қисқартирилди. Йил бошдан буён 50 мингдан ортиқ янги тadbиркорлик субъектлари ташкил этилди. Аҳоли сотиб олган уйларнинг 28 фоизи ипотека кредитлари ҳисобига молиялаштирилди. 1 сентябрдан бошлаб хусусий секторда ишлаётган аёлларга ҳам Давлат бюджетидан 2 миллион сўмлик ҳомилдорлик ва туғиш нафақаси тўлаб бериш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Йигилишда аҳоли ва бизнесни қўйиб келаятган муаммолар, улар бўйича илгари сурилаётган таклиф ва ташаббуслар муҳокама қилинди. Асосли таклифларни қаноатлантириш, одамлар учун қулайликларни ошириш бўйича мутасаддиларга кўрсатмалар берилди.

Президент халқимизни рози қилиш, тadbиркорликни ривожлантириш учун зарур шароитларни яратиш барча раҳбарларнинг энг устувор вазифаси бўлиши кераклигини таъкидлади.

ЎзА.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Солиқ ва божхона қонунчилиги такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2022 йил 7 июлда қабул қилинган
Сенат томонидан 2022 йил 8 июлда маъқулланган

Мамлакатимизни 2017 – 2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида, хусусан солиқ-божхона тизимида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди.

Аҳоли ва тadbиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, камбағалликни қисқартириш давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланганлиги солиқ-божхона имтиёзларини қайта кўриб чиқиш заруратини юзага келтирмоқда.

Бунда мобиль алоқа келимовлари учун акциз солиғи ҳамда жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи ставкалари норезидент жисмоний шахслар учун пайсатирилганлиги, шунингдек ота-оналар фарзандларининг таълим олиши учун нодавлат мактабгача таълим ташкилотларига ва мактабларга ойига тўлайдиган 3 миллион сўмгача бўлган тўловлар учун солиқ солишдан озод этилиши, шунингдек божхона божлари бўйича имтиёзлар фақат қонунларга асосан берилишига доир ягона тартиб белгиланиши миллий иқтисодиётни жадал ривожлантиришга қўмаклашади.

(Давоми 2-бетда.)



«АФҒОНИСТОН: ХАВФСИЗЛИК ВА ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ» МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Ҳурматли делегациялар раҳбарлари!

Хонимлар ва жаноблар!
«Афғонистон: хавфсизлик ва иқтисодий тараққиёт» мавзусидаги Тошкент халқаро конференциясининг барча иштирокчиларини қутлашдан бағоят мамнунман.

Ушбу форумни ўтказиш тўғрисидаги ташаббусимизни қўллаб-қувватлагани учун Бирлашган Миллатлар Ташкилати Бош котиби Антониу Гутерриш жанобларига алоҳида миннатдорлик билдираман.

Анжуман ишида БМТ Бош котибининг вакили жаноб Маркус Потцел иштирок этаётгани Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш борасидаги мақсадларга қатъий содиқ эканидан далолат беради.

Европа Иттифоқи ва Европа мамлакатлари, Хитой, Россия, АҚШ, Марказий ва Жанубий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ, Осиё — Тинч океани минтақалари давлатлари махсус вакилларининг конференцияда иштирок этаётгани эса бугунги учрашувнинг аҳамиятини янада кучайтирмоқда. Сизлар Афғонистон муаммоларини ҳал этиш ва афғон халқига ёрдам кўрсатиш бўйича қарорлар қабул қилишда бевосита қатнашиб келмоқдасиз.

Биз бугунги форумда Ислom ҳамкорлик ташкилоти, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, шунингдек, халқаро молиявий институтлар ва етакчи таҳлил марказлари вакилларини кўриб турганимиздан хурсандмиз.

Анжуманда иштирок этаётган ташқи ишлар вазири вазифасини бажарувчи жаноб Амир Хон Муттақий бошчилиги-

даги нуфузли Афғонистон делегациясини ҳам қутлаймиз.

Мазкур конференция Афғонистоннинг янги ҳукумати билан афғон халқи ва бутун халқаро ҳамжамият манфаатларини ҳар томонлама ҳисобга олишга асосланган ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш юзасидан амалий фикр алмашиш учун имкон яратади, деб ишонамиз.

Ҳурматли конференция иштирокчилари!

Ўзбек ва афғон халқлари минг йиллар давомида ёнма-ён яшаб келадди. Бизни умумий маданий, маънавий ва тарихий қадриятлар, ягона дин ва буюк аждодларимизнинг мероси бирлаштириб туради.

Таъкидлаш керакики, Амурдорнинг нариги соҳилида тинчлик бўлмаса, Ўзбекистонда ва Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик ва барқарор тараққиётга эришиб бўлмайди.

Шу сабабли ўзининг янги тарихида чуқур ижтимоий-иқтисодий ва гуманитар инқирузга дуч келаятган Афғонистонга нисбатан дунёда эътибор сусайиб бораётгани хавотир уйғотмасдан қолмайди.

Аминимизки, жаҳон ҳамжамияти бугун 1990-йиллардаги хатоларни қайта такоррламайди, уларни четлаб ўта олади ва бу мақсадга албатта эришиш лозим.

Афғонистоннинг халқаро майдонда яққалаб қўйилиши гуманитар вазиятнинг янада ёмонлашувида олиб келиши муқаррар. Шу боис бундай ҳолатга йўл қўймайлик муҳимдир, чунки гап миллионлаб инсонларнинг тақдири ҳақида бормоқда.

Ҳозирги пайтда Афғонистон Мувақат ҳукумати мамлакатда тинчликни

қарор топтириш бўйича муайян қадамлар қўймоқда, ижтимоий-иқтисодий вазиятни яхшилашга, қўшни давлатлар билан дўстона алоқалар, халқаро ҳамжамият билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатишга ҳаракат қилмоқда. Биз ушбу саъй-ҳаракатларни рағбатлантиришимиз ва қўллаб-қувватлашимиз зарур.

Шу билан бирга, давлат бошқарувида афғон жамиятининг барча қатламларидан вакиллар кенг иштирок этадиган таркибни шакллантириш, инсон, айниқса, хотин-қизлар, барча миллий ва диний гуруҳларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш Афғонистонда узоқ мuddатли тинчлик ўрнатишнинг фундаментал асоси бўлиб қолмоқда.

Биз Афғонистоннинг ҳозирги ҳукумати терроризмнинг ҳар қандай шакли ва кўринишларининг олдини олиш ва уларга қарши курашиш, барча халқаро террорчилик ташкилотлари билан алоқаларни узиш учун ўзининг қатъий иродасини намойён этиб, кескин чоралар кўришга қақирамиз.

Бундай ёндашув Мувақат ҳукуматга бўлган ишончнинг мустаҳкамлашига олиб келади, Афғонистон учун ён-атрофдаги давлатлар ва халқаро ҳамжамият билан дўстлик, яқин қўшничилик ва ўзаро фойдали ҳамкорлик муҳитида барқарор тараққий этиш бўйича аниқ истиқболлар очади.

Қадрли дўстлар!

Яқинда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган Жанубий ва Марказий Осиё ўртасидаги ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш тўғрисидаги махсус резолюция ҳам Афғонистонда тинчликни сақлаш халқаро хавфсизликни таъминлаш учун ғоят муҳим

аҳамиятга эга эканини тасдиқлади.

Биз, бутун халқаро ҳамжамият афғон халқи билан бирдамликни намойён этишимиз зарур. Биз ўз саъй-ҳаракатларимизни Афғонистонни тинч, барқарор ва фаровон ўлкага, терроризм, уруш ва наркотик моддалардан холи мамлакатга айлантириш учун мустаҳкам пойдевор яратишга сафарбар қилишимиз лозим.

Афғонистон иқтисодиётини қайта тиклаш вазифаси бизнинг умумий устувор йўналишимизга айланиши зарур. Айни шундай қараш жафкаш афғон заминида мустаҳкам тинчлик ўрнатишнинг муҳим шarti ҳисобланади. Бу йўналиш, хусусан, мамлакатнинг минтақалараро иқтисодий жараёнларга интеграциялашувини, инфратузилмаларга доир ва ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни амалга оширишни ўз ичига олади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Афғонистонни ижтимоий-иқтисодий ва гуманитар жиҳатдан қайта тиклашга қўмаклашиш борасидаги халқаро саъй-ҳаракатларга, жумладан, йирик трансминтақавий инфратузилма лойиҳаларини илгари сурган ҳолда салмоқли ҳисса қўймоқда.

Сўзимнинг ниҳоясида бугунги конференция фойдали баҳс-мунозаралар учун ҳамда Афғонистон халқининг манфаатлари ва орзу-интилишларига жавоб берадиган, ўзаро келишилган ёндашувларни ишлаб чиқишда самарали мулоқот майдони бўлади, деб умид қиламан.

Конференция фаолиятига, унинг барча иштирокчиларига муваффақият тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Халқаро конференция

ТОШКЕНТ МУҲИМ МУЛОҚОТ МАЙДОНИГА АЙЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан пойтахтимизда «Афғонистон: хавфсизлик ва иқтисодий тараққиёт» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.

Йигилишда Европа, Америка қитъалари, Яқин ва Ўрта Шарқ, Осиё — Тинч океани минтақалари, Марказий ҳамда Жанубий Осиё давлатларининг Афғонистон бўйича махсус вакиллари, халқаро ва минтақавий ташкилот раҳбарлари ҳамда мутахассислари, етакчи таҳлилий марказлар вакиллари ва Афғонистон Мувақат ҳукумати делегацияси иштирок этди.



Хасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.



Мазкур анжумандан кўзланган асосий мақсад Афғонистонда гуманитар инқирузнинг олдини олиш бўйича кенг қўламли чора-тadbирлар ишлаб чиқиш, миллий иқтисодиётни тиклашга қўмаклашиш, қўп миллатли афғон халқи ва бутун дунё манфаати йўлида ушбу мамлакатни минтақавий ҳамкорлик жараёнига жалб этишдан иборат.

Халқаро анжумани



Нуктаи назар

ИСТИҚЛОЛ ВА ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН РАМЗИ

Замон шиддати шундайки, у бир эмас, балки бутун дунё мамлакатларининг ижтимоий-иқтисодий тизимини даврга мос ҳолда такомиллаштириб бориши тақозо қилади. Ана шундай шароитда ҳар қандай жамиятда мавжуд муҳим принципал қоида ҳамда қонунларни вақти-вақти билан ўзгартириб туриш эҳтиёжи вужудга келади. Ва мазкур жараён конституцияларга ҳам хос хусусиятдир.

Айни пайтда кенг жамоатчилик томонидан қизгин муҳокама қилинаётган, Конституцияга киритилиши режа-лаштирилаётган ўзгартиш ҳамда қўшимчалар Ўзбекис-

тонинг янги ривожланиш босқичига ўтганидан далолат беради.

Жорий йил 25 июнь куни «Халқ сўзи» газетасида эълон қилинган «Ўзбекистон Рес-

публикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Конституциявий қонун лойиҳасининг 1-моддасидаги янги нормалар Асосий Қонунимизга киритилаётган барча янги нормаларнинг, қисқача айтганда, умумлашмаси ва принципал жиҳатидир. Унда «Ўзбекистон — суверен республика, ҳуқуқий, ижтимоий, дунёвий, демократик давлат» деб кўрсатилмоқда.



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ ДЕПУТАТЛАР МУҲОКАМАСИДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз ривожини, халқ фаровонлигига хизмат қиладиган муҳим қонун лойиҳалари муҳокама қилинди.

Электрон рақамли имзо қалитларини бериш соддалаштирилади

Мажлисида электрон рақамли имзо қалитлари олишни оsonлаштириш, ундан фойдаланишни янада

соддалаштириш, сарф-ҳаражатларни камайитиришга қаратилган «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги

қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда атрофлича муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, қонун лойиҳасини такомиллаштириш жараёнида депутатлар, экспертлар берган таклифлар атрофлича таҳлил қилиниб, ундаги нормалар улар асосида маромига етказилди.



Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Солиқ ва божхона қонунчилиги такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Шу билан бирга, хизматлар соҳасини, капитал бозорини, чарм саноати ва тиббиётни ривожлантириш, шунингдек хотин-қизларнинг ишга жойлаштирилишини таъминлаш мақсадида тадбиркорлик субъектларига вақтинчалик солиқ имтиёзлари берилмоқда.

Ушбу Қонун солиқ-божхона тизимини такомиллаштириш ҳамда бизнес муҳитини яхшилаш орқали аҳолининг даромадларини оширишга хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги УРҚ–599-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, 12-сонга 1-илова; 2021 йил, № 1, 6-модда) **6-моддасининг учинчи қисми** куйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин: «Бунда ушбу солиқ имтиёзлари Ўзбекистон Республикасининг тижорат банклари орқали қайта молиялаштириладиган ёки қайта кредитланадиган халқаро молия институтларининг ва хоржий ҳукумат молия ташкилотларининг маблағлари (қарзлари, кредитлари) ҳисобидан сотиб олинадиган товарларга (хизматларга) нисбатан қўланилмайдми».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрда қабул қилинган УРҚ–599-сонли Қонуни билан янги тахрирда тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, 12-сонга 1-илова; 2020 йил, № 3, 198-модда; № 10, 593-модда; № 11, 652-модда; № 12, 690, 691-моддалар; 2021 йил, № 1, 6-модда; № 4, 294-модда; 4-сонга илова; № 8, 800-модда; № 9, 901-модда; № 10, 968, 969, 972, 973-моддалар; № 12, 1199-модда; 2022 йил, № 2, 79-модда; № 3, 215, 216-моддалар; № 5, 461, 464, 467-моддалар; № 6, 570-модда) куйидаги ўзгариш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **289⁻модда биринчи қисмининг 5-банди** куйидаги тахрирда баён этилсин:

5.	Мобиль алоқа хизматлари	10%
----	-------------------------	-----

»;

2) **317-модданин 3-банди** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«3) солиқ тўловчининг ушбу Кодекс 376-моддасида назарда тутилган, жисмоний шахсинг моддий наф тарзидаги даромадлари ҳисобланадиган харажатлари, бундан товарлари (хизматлари) реализация қилишдан олинган даромадларининг 0,5 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда ўз ходимларига ва уларнинг яқин қариндошларига оммавий-маданий ҳамда концерт-томоша тадбирларига бориши учун чипталар харид қилишга доир харажатлар мустасно»;

3) **369-модда:** **биринчи қисмининг 9-банди** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«9) қонунчиликда белгиланадиган тартибда ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг меҳнат фаолияти натижасида олинган даромадлари, шу жумладан талабаларнинг Ўзбекистон Республикаси олий таълим ташкилотлари ҳудудида пулли ўқув курсларини, спорт тўғрақларини ташкил этишдан ва бошқа таълим хизматларини кўрсатишдан олинган даромадлари»;

иккинчи қисми:
12-банди куйидаги тахрирда баён этилсин:
«12) ўқувчилар ва талабаларнинг таълим олиши учун Ўзбекистон Республикасининг профессионал ва олий таълим ташкилотлари билан тўғривдан-тўғри шартномалар бўйича пулли-контракт асосида ўқазилмадиган маблағлар»;

куйдаги мазмундаги **12⁻банд** билан тўлдирилсин:
«12¹) нодавлат мактабгача таълим ташкилотларининг ва мактабларнинг, шу жумладан давлат-хусусий шериклик шартлари асосида ташкил этилган нодавлат мактабгача таълим ташкилотларининг ва мактабларнинг қонунчиликда белгиланган нормалар доирасида ижтимоий кўмакка ҳужжат оилаларнинг истеъдоди ва иқтидорли фарзандларини, шунингдек махсус контингентдаги тарбияланувчиларнинг муайян сонини бепул ўқитиш билан боғлиқ харажатлари»;

4) **378-модданин 16-банди:** куйидаги мазмундаги **учинчи хатбоши** билан тўлдирилсин: «фарзандларига нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари ва (ёки) мактаблар кўрсатадиган таълимга оид хизматлар учун ота-она (фарзандларга олувчилар) томонидан ҳар бир фарзанд учун тўланадиган ойига 3 миллион сўмгача бўлган тўловлар»;

учинчи, тўртинчи ва бешинчи хатбошилари тегишинча **тўртинчи, бешинчи ва олтинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

5) **382-модданин 3-банди** куйидаги тахрирда баён этилсин:

3.	Меҳнат шартномалари (контрактлари) ва фуқаролик-ҳуқуқий хусусиятдаги шартномалар бўйича олинган даромадлар, 1 ва 2-бандларда қўрсатилмаган бошқа даромадлар	12
----	---	----

»;

6) **389-модданин иккинчи қисмидаги** «бундан йирик солиқ тўловчилар мустасно» деган сўзлар **чиқариб ташлансин;**

7) **412-модда биринчи қисмининг 1-банди, саккинчи хатбоши** куйидаги тахрирда баён этилсин: «Агар объектнинг 1 кв. метри қиймати ушбу бандда белгиланган энг кам қийматдан паст бўлса, солиқ тўловчи кўчмас мулк объектлари қийматини мустақил баҳолашни амалга оширишга ҳақли. Бунда мустақил баҳолаш натижалари, шу жумладан солиқ тўловчи томонидан ўтган икки йилда ўқазилган мустақил баҳолаш натижалари солиқ базаси сифатида эътироф этилади»;

куйдаги мазмундаги **тўққизинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Ушбу бандда белгиланган энг кам қиймат татбиқ этилмайдиган кўчмас мулк объектлари қонунчиликда белгиланадми»;

8) **414-модданин учинчи қисми** куйидаги мазмундаги **3-банд** билан тўлдирилсин:

«3) қишлоқ жойларда жойлашган (бундан шаҳарлар ва туманларнинг марказлари мустасно) антенна-мачта металл конструкциялари, шу жумладан уларга ўрнатилган ҳамда уларнинг ажралмас қисми бўлган конструкциялар»;

9) **428-модданин иккинчи қисми** куйидаги мазмундаги **ўн учинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«қишлоқ жойларда жойлашган (бундан шаҳарлар ва туманларнинг марказлари мустасно) антенна-мачта металл конструкциялари, шунингдек уларга ўрнатилган ҳамда уларнинг ажралмас қисми бўлган конструкциялар эгалларини ер участкалари»;

10) **463-модда иккинчи қисмининг олтинчи хатбоши** чиқариб ташлансин;

11) **464-модданин иккинчи қисми** куйидаги мазмундаги **4-банд** билан тўлдирилсин:

«4) тадбиркорлик субъектлари учун – товарлари (хизматлари) реализация қилишдан олинган даромадларининг 0,5 фоизидан ошмаган миқдорда ўз ходимларига ва уларнинг яқин қариндошларига оммавий-маданий ҳамда концерт-томоша тадбирларига бориши учун чипталар харид қилишга доир харажатлар суммасига»;

12) **483-модда** куйидаги мазмундаги **йигирманчи – ўлтиз олтинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Чакана савдо ва умумий оватланиш, меҳмонхона (жойлаштириш), автотранспорт воситасида йўловчи ва юк таших, автотранспорт воситаларини таъмирлаш ҳамда уларга техник хизмат кўрсатиш, компьютер хизматларини, майший техникани таъмирлаш, агро ва ветеринария хизматлари кўрсатуви, шунингдек қўнғилочар марказларда хизматлар кўрсатуви тадбиркорлик субъектлари — 2022 йил 1 апрелдан 2025 йил 1 январга қадар бўлган даврда ижтимоий солиқни 1 фоиз миқдордаги солиқ ставкаси бўйича тўлади»;

Ушбу модданин йигирманчи қисмида назарда тутилган имтиёз, агар белгиланган фаолият турларини амалга оширишдан олинган даромадлар жорий ҳисобот (солиқ) даври якунлари бўйича жами даромаднинг камида 60 фоизини ташкил қилса, тадбиркорлик субъектларига нисбатан татбиқ этилади. Ходимлар сонини яшириш фактлари аниқланган тақдирда мазкур имтиёзнинг амал қилиши бекор қилинади.

Маҳаллаларо савдо-хизмат кўрсатиш кўчалари бўйлаб жойлашган, уй-жой учун мўлжалланган кўчмас мулк объектлари ушбу модданин йигирманчи қисмида белгиланган хизматлар турларини кўрсатиш учун яшаш учун мўлжалланмаган кўчмас мулк тоифасига ўтказилган тақдирда, 2024 йил 1 январга қадар жисмоний шахслар жисмоний шахслардан олинмадиган мол-мулк солигини ҳамда жисмоний шахслардан олинмадиган ер солигини уй-жойга мўлжалланган кўчмас мулк объектлари, шунингдек ушбу объектлар эгалларини ер участкалари учун белгиланган солиқ ставкалари бўйича тўлайди.

Маҳаллаларо савдо-хизмат кўрсатиш кўчаларининг рўйхати Қорақалпоғiston Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан белгиланади.

Тадбиркорлик субъектлари 2022 йил 1 январдан 2027 йил 1 январга қадар бўлган даврда майдони беш минг квадрат метрдан кочори бўлган савдо комплекслари ва меҳмонхона (жойлаштириш воситалари), шу жумладан, улар эгаллаган ер участкалари бўйича қуйидагиларга ҳақли:

юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ва юридик шахслардан олинмадиган ер солиғи бўйича солиқ ставкаларига нисбатан 0,1 коэффицентни қўллашга. Бунда 2027 йил 1 январга қадар янгида қурилган ушбу кўчмас мулк объектларига ва ушбу объектлар эгалларини ер участкаларига нисбатан мазкур имтиёз улар фойдаланишга топширилган ойдан эътиборан беш йил мбояинида қўланилади;

фойда солигини ҳисоблаб чиқариш чоғида икки йил давомида мазкур биноларнинг қийматини амортизация тарзида

чегириб ташланадиган харажатлар жумласига киритишга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарориди кўрсатилган туманлар ва шаҳарларнинг белгиланган туризм зоналарида рўйхатдан ўқазилган ҳамда мазкур ҳудудларда умумий оватланиш, меҳмонхона (жойлаштириш), савдо, қўнғилочар, туроператорлик ва турагент хизматларини кўрсатадиган тадбиркорлик субъектлари — 2022 йил 1 апрелдан 2025 йил 1 январга қадар бўлган даврда: айланмадан олинмадиган солиқни 1 фоиз миқдордаги солиқ ставкаси бўйича тўлайди;

ушбу ҳудудларда жойлашган объектларга, шунингдек мазкур объектлар эгалларини ер участкаларига нисбатан юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ва юридик шахслардан олинмадиган ер солигини ушбу солиқлар бўйича ҳисобланган сумманинг 1 фоизи миқдорда тўлайди.

Туманлар ва шаҳарлар туризм зоналари чегаралари Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирилик ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирилик ҳудудий бош бошқармаларининг ҳулосаларига асосан Қорақалпоғiston Республикаси Жўрқори Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар Кенгашилари томонидан белгиланади.

2022 йил 1 апрелдан 2025 йил 31 декабрга қадар бўлган даврда:

Ўзбекистон Республикасининг резидентлари ва норезидентлари бўлган жисмоний шахсларнинг (акциядорларнинг) акциялар бўйича дивидендлар тарзидаги даромадлари жисмоний шахслардан олинмадиган даромад солигидан озод қилинади;

Ўзбекистон Республикасининг резидентлари бўлган юридик шахсларнинг (акциядорларнинг) акциялари бўйича дивидендлар тарзидаги даромадларига фойда солиғи бўйича 5 фоиз миқдорда солиқ ставкаси қўланилади;

Ўзбекистон Республикасининг резидентлари ва норезидентлари бўлган жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳужалик жамиятлари облигациялари бўйича фоизлар тарзидаги даромадлари жисмоний шахслардан олинмадиган даромад солигидан ҳамда фойда солиғидан озод этилади.

Тадбиркорлик субъектларининг миллий мусиқа қолғу асбопларини ишлаб чиқаришдан олган даромадлари жорий ҳисобот (солиқ) даври якунлари бўйича жами даромаднинг камида 60 фоизини ташкил этса, айланмадан олинмадиган солиқ ва ижтимоий солиқ 2022 йил 1 апрелдан 2025 йил 1 январга қадар бўлган даврда 1 фоиз миқдордаги солиқ ставкаси бўйича тўланади.

Ҳўжаликларда балёқ етиштиришни кооперация асосида йўлга қўйган солиқ тўловчилар 2025 йил 1 январга қадар бўлган даврда барча солиқларни (бундан қўшилган қиймат солиғи ва ижтимоий солиқ мустасно) тўлашдан озод этилади.

Ушбу модданин йигирма тўққизинчи қисмида назарда тутилган имтиёз жорий ҳисобот (солиқ) даври якунлари бўйича жами даромаднинг умумий ҳажмида балёқ етиштириш фаолиятидан олинган даромаднинг улуши 90 фоиздан ортиқни ташкил этган солиқ тўловчиларга нисбатан қўланилади.

Чарм, мўйна хом ашёсини ва жунни тайёрлаш, сақлаш ҳамда қайта ишлаш, қорамолни автоматлаштирилган тарзда сўйиш, жүн, қорақўл ва сунъий чармдан буюмлар, чарм-атторлик махсулотлари, пойабзал ишлаб чиқариш билан шуғуланувчи солиқ тўловчилар 2023 йил 1 январдан 2026 йил 1 январга қадар бўлган даврда ушбу фаолияти бўйича солиқни, айланмадан олинмадиган солиқни ва юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўлашдан озод этилади.

Ушбу модданин ўлтиз биринчи қисмида белгиланган солиқ имтиёзлари куйидагиларга нисбатан татбиқ этилади:

чорва молларни сўйишга ихтисослаштирилган, замонавий автоматлаштирилган комплекслар билан жихозланган солиқ тўловчиларга;

ҳисобот (солиқ) даври якунлари бўйича жами даромадининг умумий ҳажмида чарм, мўйна, қорақўл хом ашёсини ва жунни йиғиш ҳамда тайёрлаш, уларни қайта ишлаш (фойдаланиш) учун кейинчида сотиш фаолиятидан олинган даромадининг улуши 80 фоиздан кам бўлмаган солиқ тўловчиларга;

ҳисобот (солиқ) даври якунлари бўйича жами даромадининг умумий ҳажмида чарм, мўйна, қорақўл хом ашёсини ва жунни қайта ишлаш, шунингдек бутловчи буюмларни, фурнитура, аксессуарлар, пойабзал қопиллари, пойабзал тагликлари, устки қисмлари, желатин, сунъий чарм, пойабзал, чарм-атторлик, мўйначилик, қорақўл махсулотини ва худдан ишланган буюмларни ишлаб чиқаришдан олинган даромадининг улуши 60 фоиздан кам бўлмаган солиқ тўловчиларга.

Чорва молларни сўйиш бўйича замонавий автоматлаштирилган комплексларга эга бўлган, шунингдек терини қайта ишловчи ва чармдан тайёр махсулот ишлаб чиқарувчи солиқ тўловчилар юридик шахслардан олинмадиган ер солигини тўлашдан 2023 йил 1 январдан 2026 йил 1 январга қадар бўлган даврда озод этилади.

Ҳисобот (солиқ) даври якунлари бўйича жами даромадининг умумий ҳажми куйидаги талабларга жавоб бера.солиқ тўловчилар ижтимоий солиқни 2022 йил 1 апрелдан 2025 йил 1 январга қадар бўлган даврда 1 фоиз миқдордаги солиқ ставкаси бўйича тўлайди:

болалар, аёллар ва спорт пойабзалларини, сунъий (эко) чарм, фурнитура, пойабзал қопиллари ҳамда тагликлари реализация қилишдан олинмадиган даромадларининг улуши камида 60 фоизни ташкил этса;

пойабзалларни, чарм-атторлик махсулотларини ва мўйнадан тайёрланган буюмларни экспорт қилишдан олинмадиган даромадларининг улуши камида 80 фоизни ташкил этса.

Белгиланган тартибда шакллантирилмаган рўйхатлар бўйича тиббиёт асбоб-ускуналари ва буюмларининг эҳтиёт қисмларини ҳамда тиббиёт мақсадлари учун сарфлов материалларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида олиб кириш 2022 йил 1 апрелдан 2025 йил 1 январга қадар бўлган даврда қўшилган қиймат солигидан озод қилинади.

Меҳнат ресурслари зич бўлган қишлоқ жойларнинг реестрига киритилган ҳудудларда ходимларининг умумий сони 10 нафардан кам бўлмаган ҳамда у ерда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи хотин-қизлар меҳнатга ҳақ тўлаш фонди умумий меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг 50 фоизидан кам бўлмаган қичик тадбиркорлик субъектлари ўзида меҳнат фаолиятини амалга оширувчи хотин-қизларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш фондида олинмадиган ижтимоий солиқни 2022 йил 1 сентябрдан 2025 йил 1 январга қадар бўлган даврда 1 фоиз миқдордаги солиқ ставкаси бўйича тўлайди».

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 20 январда қабул қилинган УРҚ–400-сонли Қонуни билан тасдиқланган

Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, 1-сонга илова; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда; № 7, 433-модда; № 10, 670-модда; 2019 йил, № 1, 5-модда; № 2, 47-модда; № 5, 267-модда; № 9, 589-модда; № 10, 671-модда; № 12, 880-модда; 2020 йил, № 10, 593-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; № 10, 969-модда; 2022 йил, № 2, 75-модда) куйидаги ўзгариш ва қўшимча киритилсин:

1) **289-модданин тўртинчи қисмидаги** «ва солиқларининг» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) **297-модда иккинчи қисмининг 8-банди** куйидаги мазмундаги **иккинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Бунда Ўзбекистон Республикасининг тижорат банклари орқали қайта молиялаштириладиган ёки қайта кредитланмадиган халқаро молия институтларининг ва хоржий ҳукумат молия ташкилотларининг маблағлари (қарзлари, кредитлари) ҳисобидан сотиб олинмадиган товарлар бўйича имтиёзлар қўланилмайдми».

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 2022 йил 1 июлга қадар қабул қилинган ҳужжатларида назарда тутилган божхона божи бўйича имтиёзлар уларнинг амал қилиш мuddати тугагунига қадар амал қилади.

5-модда. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва бошқа маънафдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва ахамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

6-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта қўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

7-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қўлға киради.

Ушбу Қонун 2-моддаси 12-бандининг йигирманчи – йигирма бешинчи хатбошилари 2023 йил 1 январдан эътиборан амалга киритилади.

Ушбу Қонун 2-моддаси 12-бандининг ўлтizinчи хатбоши 2022 йил 1 сентябрдан эътиборан амалга киритилади.

Ушбу Қонун 1-моддасининг ва 3-моддаси 2-бандининг қирдалари тижорат банклари ҳамда тадбиркорлик субъектлари ўртасида

2022 йил 1 майдан кейин янгидан тузиладиган битимлар (расмийлаштириш шакли ва усулидан қатъи назар) асосида сотиб олинмадиган товарларга (хизматларга) нисбатан татбиқ этилади.

Ушбу Қонун 2-моддаси 1 ва 7-бандларининг ҳамда 12-банди олтинчи – саккинчи хатбошиларининг қоидалари 2022 йил 1 январдан эътиборан юзага келган муносабатларга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

Ушбу Қонун 2-моддаси 4, 8, 9-бандларининг ҳамда 12-бандининг иккинчи, учинчи, тўққизинчи – ўн еттинчи, йигирма олтинчи – йигирма тўққизинчи хатбошиларининг қоидалари 2022 йил 1 апрелдан эътиборан юзага келган муносабатларга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

Ушбу Қонун 2-моддаси 5-бандининг қоидалари 2022 йил 1 майдан эътиборан юзага келган муносабатларга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри, 2022 йил 26 июль № УРҚ–785

ИСТИҚЛОЛ ВА ЯНГИ ЎЗБЕКISTON РАМЗИ

←1 **Ҳеч ким қонундан устун бўлолмайди**

Таъкидлаш жоизки, ҳар қандай тузум ва ҳамиятда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож тоифалари у ёки бу даражада учрайди. Адолатли жамият ҳамisha уларни ҳимоя қилишни ўз зиммасига олади. Шу боис янги Ўзбекистон сиёсатида ҳам кучли ижтимоий сиёсат юритиш бош мақсад қилиб белгиланган.

Ижтимоий соҳага алоҳида эътибор қаратиш — инсон қадрини улуғлашнинг устувор йўналишларидан биридир. Конституцияда ижтимоий давлат сифатида Ўзбекистоннинг эътироф этилиши ҳам мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий сиёсатнинг амалий ифодаси бўлиши, шубҳасиз.

Президентимиз Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувда “ҳуқуқий давлат” тўғрисида ҳам фикр билдирди. Таъкидланганидек, фақат ҳуқуқий давлатдагина инсоннинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қийматини тўлиқ таъминлаш, том маънода, халқларвар бошқарув тизимини шакллантириш мумкин. Ҳуқуқий давлат — демократик тамойиллар асосида қабул қилинган қонунлар олдида барча тенг ва ҳисобдор бўлган, ҳеч ким қонундан устун турмайдиган давлатдир.

Дарҳақиқат, ҳуқуқий давлатда инсон манфаатлари бирламчи ҳисобланади ҳамда қадрият сифатида эъзозланади. Давлат томонидан яратилган ҳуқуқ нормалари барча мансабдор шахслар ва давлат органлари учун бир хилда татбиқ эти-

либ, давлат ҳуқуқ нормаларини яратибгана қолмай, ўзи ҳам уларга тўлиқ амал қилиши ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим белгисидир. Ҳуқуқий давлат демократик жамиятнинг таркибий элементи ҳамдир.

ТОШКЕНТ МУҲИМ МУЛОҚОТ МАЙДОНИГА АЙЛАНДИ

1 Шундан сўнг Ўзбекистон Президентининг ташқи сийёсат масалалари бўйича махсус вакили, Президент хузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби ўринбосари Абдулазиз Комиллов мамлакатимиз раҳбарининг анжуман иштирокчиларига йўлаган мурожаатини ўқиб эшиттирди. Давлатимиз раҳбарининг қайд этишича, бугун жаҳон ҳамжамияти 1990 йиллардаги хатоларнинг такрорланишига йўл қўймаслиги керак. «Афғонistonнинг халқаро майдонда яққалаб қўйилиши гуманитар вазиятнинг янада ёмонлашувиغا олиб келиши муқар

рар. Шу боис бундай ҳолатга йўл қўймаслик муҳимдир, чунки гап миллионлаб инсонларнинг тақдири ҳақида бормоқда». Бугунги кунда Афғонiston муваққат ҳукумати мамлакатни тинчликка элтиш сари муайян қадамлар ташламоқда, ижтимоий-иқтисодий вазиятни яхшилашга, қўшни мамлакатлар билан дўстона, ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйишга интиломоқда. «Биз ушбу саъй-ҳаракатларни рағбатлантиришимиз ва қўллаб-қувватлашимиз зарур», дейилади мурожаатда. Афғонiston ташқи ишлар вазири вазирасини бажарувчи Амир Хон Муттақий ўз

мамлакатидоги барқарорлик бутун Марказий Осиё минтақасидаги тинчлик ва хавфсизлик гарови эканига алоҳида урғу берди. Анжуманда қайд этилганидек, Афғонiston иқтисодий янгиликни қайта тиклаш вазифаси халқаро ҳамжамиятнинг умумий устувор йўналишига айланиши керак, бу жафоа афғон заминидеги мустақкам тинчлик ўрнатилишига муҳим шарт ҳисобланади. Бу йўналиш, хусусан, мазкур мамлакатнинг минтақаларо иқтисодий жараёнларга интеграциялашувини, инфратузилмаларга оид ва ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириши ўз ичига олади.

Халқаро анжуманга ташриф буюрган таниқли хорижий экспертлар Тошкент конференциясига юқори баҳо берди. Зеро, Тошкент форуми платформаси Афғонiston муаммосига доир энг долзарб масалаларни муҳокама қилиш ва ҳал этиш учун қулай имконият яратди. Конференцияда бир қатор нуфузли халқаро тузилмалар раҳбарлари, мутахассиллар чиқиш қилди. Жумладан, БМТ, Осиё-оққат ва қишлоқ ҳўжалиги ташкилоти, Европа Иттифоқи, Ислоҳ ҳамкорлик ташкилоти, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг Афғонiston бўйича махсус ва

киллари сўзга чиқиб, Ўзбекистоннинг халқаро анжуман воситасида жаҳон сийёсати эътиборини яна бир бор Афғонistonга қаратиш ташаббуси эътирофга сазовор эканини таъкидлашди. Анжуманнинг секция ййгилишида халқаро ташкилотлар вакиллари тақдироти намойиш қилинди. Афғонistonни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш — ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан тиклаш, афғон халқининг ҳўзирги ва келгуси авлодлари учун узоқ кутилган тинч ҳаётни таъминлашга қаратилган инфратузилмавий ҳамда ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш

масаласи атрафлича муҳокама қилинди. Умуман, анжуман иштирокчилари «Гуманитар тараққийёт — Афғонistonнинг тинч келажакка йўл» ва «Иқтисодийнинг тикланиши — Афғонistonда мустақкам тинчлик асоси» мавзуларида муҳим тақлиф ва ташаббусларни илгари сурди. Тошкент конференцияси халқаро ҳамжамиятнинг афғон йўналишида яқдил самарали мулоқотини йўлга қўйиш, хусусан, халқаро терроризмга қарши кураш соҳасида умумий позицияни шакллантиришга қўмаклашиш, афғон диёрининг қўшни давлатлар билан конструктив мулоқоти йўлларини излашга замин яратди. Анжуман якунида Ўзбекистон ташқи ишлар вазири вазирасини бажарувчи Владимир Норов Афғонiston бўйича халқаро конференцияга мезбон давлат баёнотини ўқиб эшиттирди.

Абдували СОЙБНАЗАРОВ «Халқ сўзи».

ЎЗБЕКISTONNING TINЧЛИКПАРВАР САЪЙ-ХАРАКАТЛАРИ

Афғонiston келажак ва афғон халқи фаровонлигига ҳисса бўлиб кўшилмоқда

1 Ўзбекистон ташқи ишлар вазири вазирасини бажарувчи Владимир Норов форумни очар экан, Афғонiston муаммосини ҳал қилишда ҳўзирги давлатларнинг ҳўзирги талабларини тазкорлик билан бажариш, жумладан, кенг вакилликка асосланган инклюзив ҳўкуматни шакллантириш, аёллар ва миллий озчиликлар ҳўқуқларини таъминлаш, хусусан, афғон қизларининг тўла мактаб таълимини олишига имконият бериш афғон халқининг тинч-осойишта келажаккаги ҳизмат қилишини қайд этди.



Давлатимиз раҳбарининг ташқи сийёсат масалалари бўйича махсус вакили Абдулазиз КОМИЛОВ



Шавкат Мирзиёевнинг конференция иштирокчиларига мурожаатини ўқиб эшиттирди. Мазкур ҳўжжада Европа Иттифоқи ва Европа мамлакатлари, Хитой, Россия, АҚШ, Марказий ва Жанубий Осиё, Яқин ва Узоқ Шарқ, Осиё — Тинч океани минтақаси давлатларининг махсус

вакиллари халқаро форумда қатнашаётгани Афғонiston муаммоларини ҳал этиш ва ёрдам кўрсатиш бўйича қарорлар қабул қилиш ҳамда афғон халқига қўмак беришдагидеги бевосита иштирокини ифодалаётгани таъкидланган. Анжуманда БМТ Бош котиби Антониу ГУТЕРРИШнинг



давлатимиз раҳбарига мактуби ўқиб эшиттирилди. Унда конференция ташқи қилинган учун миннатдорлик изҳор этилиб, анжуманга муваффақият тиланган. Терроризмга қарши курашиш, инсон ҳўқуқларини ҳўзим қилиш, аёллар ва қизларнинг ҳўжият ҳаётини фаол иштирокини рағбатлантириш Афғонistonда, шунингдек, минтақа ва ундан ташқарида тинчлик ҳамда тараққийётни таъминлашда муҳим ўрин тутаяди, дейилган мактубда. Афғонiston барқарорлигида Ўзбекистон ва бошқа қўшни давлатларнинг ўрни муҳим экани ургулган. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Афғонistonда тинчликни мустақкамлаш, гуманитар ёрдам кўрсатиш, барқарор ривожланишни қўллаб-қувватлаш ва инсон ҳўқуқларини ҳўзим қилишда давом этиши таъкидланган.

Афғонiston Муваққат ҳўкумати делегацияси раҳбари, ташқи ишлар вазири вазирасини бажарувчи Амир Хон МУТТАҚИЙ форумдаги нутқида «Бизнинг ниятимиз Афғонistonда тинчлик ва барқарорлик ўрнатилишидир. Бу эса иқтисодий ривожланиш ва ҳамкорликка ҳизмат қилади. Ҳўзирги сийёсатимиз иқтисодий тараққийётга, Афғонistonни Марказий ва Жанубий Осиё минтақалари ўртасидаги «ҳамкорлик ҳаби»га айлантиришга қаратилган. Биз барча гуманитар ташкилотлар билан алоқаларни ўзаро ҳўрмат асосида ривожлантиришга тайёрмиз. Биз уларнинг ҳавфсизлигини қафолатлаймиз. Биз бундан дунё ҳамжамиятига Афғонiston энди уруш ва қўн тўқилмадан жўй бўлмаслигини ҳам эълон қилдик», деб таъкидлади.

Афғонiston ҳўкумати вакили бу галги Тошкент конференцияси аввалгиларидан тубдан фарқ қилганини, унда Афғонistonни ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатларини ҳал этишга, афғон халқига ёрдам кўрсатиш йўлларида катта эътибор қаратилганини таъкидлади. «Шу муносабат билан Ўзбекистон раҳбарини ва ҳўкуматига ушбу анжумани ташкил этигани ва ўтказгани учун алоҳида миннатдорлик билдирмоқчиман», деди Амир Хон Муттақий. «Дунё» ахборот агентлиги мухбирлари халқаро форум давомида унинг иштирокчиларидан интервьюлар ўзб олди.

Мунир МАММЕДЗАДЕ, UNICEFнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари: — Президент Шавкат Мирзиёев ва БМТ Бош котиби Антониу Гутерришнинг табрик сўзларида Афғонistonдаги вазиятни муҳокама қилиш учун платформа яратишда Ўзбекистоннинг алоҳида ўрни



мавжудлиги қайд этилди. Ўзбекистон Афғонistonда барқарорликни таъминлаш, гуманитар масалалар, инсон ҳўқуқлари, жумладан, аёллар ва болалар ҳўқуқлари каби халқаро ҳамжамият кўн тартибидоги долзарб муаммоларни ҳал этишнинг изчил тарафдори бўлиб келмоқда.

Бугунги тадбир барча манфаатдор томонларни — халқаро тузилмалар раҳбарлари, Европа Иттифоқи, БМТнинг Афғонistonдаги миссияси раҳбарларини, шунингдек, АҚШ, Россия, Хитой ва бошқа қўллаб-қувватловчи раҳбарларини бир ерга тўплаш имконини берди.

Бу омил жаҳон ҳамжамияти вакилларида тадбирда қатнашаётган Афғонiston вакиллари билан тўғридан-тўғри фикр алмашиш ва Тolibондан кўтилаётган ижобий натижаларга эришишнинг истиқболлари, жумладан, инсон ҳўқуқларини рўйбга чиқариш, инклюзивлик, хотин-қизлар учун таълим олиш масалаларини муҳокама этиш имконини берди. Умид қиламизки, ушбу тадбир натижасида Афғонiston ҳўкумати томонидан юқоридоги масалалар юзасидан аниқ чора-тадбирлар кўрилади.

Биз БМТ жамоаси сифатида Ўзбекистон раҳбарияти билан яқиндан ҳамкорлик қиломоқдамиз ва бугунги кунда Термиз шаҳридан Афғонistonда гуманитар ёрдам етаклашда логистика йўлагчи сифатида фаол фойдаланилаётганидан жуда мамнунмиз. Бундан ташқари, ушбу шаҳарда Афғонiston фуқаролари учун ўқув маркази мавжуд бўлиб, у ерда билим олиш ва замонавий мутахассисликларни ўзлаштириш имкониятлари яратилган.

Шунингдек, биз Сурхондарё вилоятида БМТ агентликлари билан қўшма дастурларни амалга оширмоқдамиз ва афғон фуқароларининг Ўзбекистон ҳудудида тегишли ҳизматлардан фойдаланиши, уларнинг эркин ҳаракатланиши билан боллиқ юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни бартараф этиш учун барча имкониятни ишга солишга ҳаракат қиломоқдамиз.

Замир КОБУЛОВ, Россия Президентининг Афғонiston бўйича махсус вакили:



— Тошкент конференцияси катта аҳамиятга эга, чунки бу ерда хавфсизлик масалалари билан бир қаторда иқтисодий қўмак ва Афғонistonни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинмоқда. Минтақавий давлатлар учун бундай конференцияларда иштирок этиш жуда муҳим, шунда овозини янада баландроқ эшитилади. Афғонiston биз учун ўта ҳаётий муҳим масала — бу хавфсизлик ва барқарорлиқдир.

Ҳўзирги пайтда Афғонistonда вазиятни барқарорлаштиришнинг жуда мураккаб жараёни кечаяпти. Бу, шунингдек, Россия ва Марказий Осиёдаги ҳамкорларимизни ташвишга солаётган ИШИДга қарши курашиш нуктаи назаридан ҳам долзарбдир. Биз ушбу халқаро ёвузликка қарши курашишда давом этадиган Тolibоннинг саъй-ҳаракатларини ҳўрмат қиламиз.

Инфратузилмани ривожлантириш лойиҳаларини амалга ошириш, жумладан, Термиз — Мозори-Шариф — Кобул — Пешовар темир йўлини қуриш Афғонistonнинг иқтисодий келажак учун муҳим аҳамият касб этади. Россия бундай лойиҳани тўла қўллаб-қувватлайди, бу гўя қизикарли ва жуда муҳимдир.

Таалатбек МАСАДИҚОВ, Қирғизiston Президентининг махсус топширилган бўйича махсус вакили:



— Тошкентдаги конференция жуда муҳим, зарур ва ўз вақтида бўлиб ўтди. Жаҳон сийёсатида йўналишларни тўғри белгилаш долзарбдир. Ўзбекистонлик ҳаммасларимиз, биринчи навбатда, Президент Шавкат Мирзиёев Афғонistonда ҳали ечимини топмаган масалаларга мунтазам эътибор қаратмоқда. Афғонistonда Тolibон ҳўкимият тепасига келганига 11 ой бўлди. Табиийки, улар катта муаммоларга, жумладан, иқтисодий муаммоларга дуа келмоқда. Тошкент конференциясида сўзга чиққан Афғонiston ташқи ишлар вазири вазирасини бажарувчи Амир Хон Муттақий уларни Муваққат ҳўкумат ҳал қиломоқчи эканини таъкидлади, шу вақт ичидеги эришилган ижобий жиҳатларни санаб ўтди.

Ўзбекистон ҳўкумати, шаҳсан давлатингиз раҳбари томонидан афғон халқига ёрдам кўрсатиш масалалари бўйича амалга оширилаётган ишлар муллақо тўғри ёндашув, биз бундан тўла қўллаб-қувватлаймиз. Бугунги анжуманда самимий мулоқот бўлди. Шунчаки олдинга ҳаракат қилиш керак.

Марказий Осиё — умумий уйимиз. Уйлайманки, бизда афғонлар учун вазиятни барқарорлаштиришга қўмаклашиш, минтақамизни Гарб ва Шарқ мамлакатларини боғлайдиган кўприкка айлантириш имконияти мавжуд.

Нагаоки КАНСУКЕ, Япония ташқи ишлар вазири ёрдамчиси ва вазирликнинг Яқин Шарқ ва Африка ишлари бўйича бюроси бош директори, Афғонiston бўйича махсус вакили:



— Япония ҳам бошқа давлатлар сингари Афғонistonда барқарорлик бўлишига интилади. Бунинг сабаблари жуда аниқ, бу бутун афғон халқининг умиди, минтақадagi барқарорлик билан ҳамбаркас боллиқ.

Афғонistonда барқарорликни таъминлаш учун барча афғонлар, шу жумладан, аёллар, қизлар ва озчиликларнинг инсон ҳўқуқларини таъминлаш, инклюзивлик, хотин-қизларнинг инсон ҳўқуқларини таъминлаш, шунингдек, терроризмга қарши курашни давом эттириш ўта ҳаётий муҳимдир.

Шуларни инобатга олган ҳолда Япония ўтган йил давомида ўз саъй-ҳаракатларини икки асосий йўналишга қаратади: биринчидан, Тolibон ҳаракати билан ҳамкорлик қилиш, иккинчидан, афғон халқи эҳтиёжларини ҳўсбга олган гуманитар ёрдамни кўрсатиш.

Халқаро ҳамжамият Афғонistonдан юз ўгирмаслиги керак. Қўйинг гуманитар вазиятга дуч келётган афғон халқи ташлаб қўйилмаслиги учун Тolibон билан янада қатъийликда ҳамкорликни давом эттиришимиз лозим. Халқаро ҳамжамият мутахассислаштирилган ёндашувга таяниши жоиз. Бу Тошкент анжуманининг мақсадларидан бири, деб ҳисоблайман.

Япония Афғонiston атрафидаги минтақавий ҳамкорликнинг муҳимлигини эътироф этади. Минтақавий алоқаларни мустақкамлаш минтақавий иқтисодийнинг тикланишига олиб келади. Дарҳақиқат, Япония минтақадe Ўзбекистон ва Афғонiston жанубини болговчи темир йўли қуриш ёки Марказий Осиё мамлакатларида чегара назорати ва экстремизмга қарши курашиш салоҳиятинини мустақкамлаш каби турли лойиҳаларни қўллаб-қувватлаган.

Шу ўринда Ўзбекистон Сурхон — Пули-Хумри электр узатиш линиясини илгари сураётганини, Афғонistonдаги зарур электр энергиясининг яримдан қўшни Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг бошқа давлатлари таъминлаётганини алоҳида қайд этишни истар эдим.

Япония бундан кейин ҳам шерикларимиз билан барқарор, ҳавфсиз ва мустақил Афғонiston манфаатлари йўлида яқиндан ҳамкорлик қилади.

Фредерик СТАПП, Россия ва Еврооий бўйича эксперт (АҚШ):



— Ўзбекистон Афғонistonни барқарорлаштириш жараёнида муҳим роль ўйнамоқда. Тошкент ташаббуси билан уюштирилган конференция ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Вақт ўтиши билан барча мамлакатлар Афғонistonнинг тинч ривожланиши халқаро барқарорликнинг муҳим омили бўлиб ҳизмат қилиши, мазкур давлат минтақанинг аяралмас қисми эканининг мазмун-моҳиятини янада чуқур англаб етаети. Бу эса жафоа афғон заминидеги тинчликка эришишни тезлаштиради.

Яна бир муҳим масала — Бу Афғонistonни Марказий ва Жанубий Осиё ўзаро боллиқлигини мустақкамлайдиган транспорт ва логистика маркази сифатидаги тарихий ролини қайта тиклашдир.

Рашид Вали ЖАНЖУА, Исломотининг сийёсий тадқиқотлар институтининг илмий ишлар бўйича директори (Покистон):



— Афғонiston бўйича Тошкент халқаро конференциясининг ўтказилиши ушбу мамлакатнинг дунё иқтисодий жараёнларига интеграциялашувини таъминлаш ва минтақадagi барқарорликни мустақкамлашга қаратилгани билан ҳам катта эътиборга моликдир. Бунда Афғонistonга қўшни давлат — Ўзбекистоннинг ёрдам беқийс бўлмоқда.

Конференция ҳар томонлама юқори даражада ташкил этилган. Анжуманда АҚШ, Покистон, Хитой, Россия, бошқа давлатлардан махсус вакилар, етакчи халқаро ташкилотлар ходимлари, шунингдек, Афғонiston ташқи ишлар вазири вазирасини бажарувчи Амир Хон Муттақий бошчилигидаги делега-

ция иштирок этгани эса унинг мақеи ва аҳамиятини янада юқори қилди.

Конференция иштирокчилари Афғонistonдаги барқарорлик ва хавфсизликка эришиш масаласи бўйича ўз фикрлари ва нуктаи назарини очик-ойдин изҳор қилиш имкониятига эга бўлди.

Афғонistonга хавфсизлик масалаларида ёрдам бериш, халқаро терроризмга қарши курашишда кўчларни бирлаштириш, турли ижтимоий муаммолар ва камбағалликни бартараф этиш учун барча имконият ва саъй-ҳаракатларни сафарбар қилиш кераклиги алоҳида таъкидланди.

Ойбек РЎЗИЕВ, Термиз шаҳридаги Афғонiston фуқароларини ўқитиш маркази директори:



— Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан уюштирилган ушбу конференцияда муҳокама қилинган масалалар жуда долзарб аҳамиятга эга. Афғонistonдаги бугунги вазият минтақа давлатларининг ҳавфсизлиги ва истиқболдаги тараққийётга бевосита боллиқдир. Шу боис мамлакатимиз Президентини Шавкат Мирзиёев халқаро минбарлардан туриб Афғонistonда тинчликни таъминлаш, мамлакатни минтақанин иқтисодий жараёнларига жалб этишга доир тақлифларини мунтазам равишда илгари суриб келади.

Бундан ташқари, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Термиз шаҳрида афғон ёшларининг билими, мамлакат тараққийоти учун ҳизмат қилгидиган мутахассислар бўлиб етишиши мақсадда Афғонiston фуқароларини ўқитиш таълим маркази ташкил этилган.

Бугунги кунда марказда 300 нафарга яқин афғон ёшлари ўзбек тили, туризм, ахборот технологиялари, темир йўл мутахассисликлари бўйича тахсил олмақда.

Афғонiston Муваққат ҳўкумати ҳам марказимизда тахсил олаётган ёшларга катта умид билан қарамқда. Яқинда ушбу мамлакат транспорт вазири марказимизга келиб, битирувчиларга диплом топиришига бағишланган тантанали маросимда иштирок этди, афғон ёшлари тўлж ил билан таъминланишини алоҳида таъкидлади. Бундан ташқари, истиқболда темир йўли, АКТ соҳаси мутахассисларини тайёрлаш бўйича квоталар янада оширилишига умид билдирди.

Бугунги конференциядан сўнг афғон халқи, хусусан, мамлакат ёшларининг таълим билан камраб олиниши имкониятлари янада кенгаяди, деган умиддамиз.

Шекиба САМАДИЙ, Термиз шаҳридаги Афғонiston фуқароларини ўқитиш таълим маркази талабаси:



— Ўзбекистон ташаббуси билан ўтказилган ушбу халқаро тадбирдан иштирок этганимиздан мамнун бўлдик. Анжуманда Афғонistonни янада ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини ошириш, энг муҳими, тинчликни таъминлаш бўйича долзарб тақлифлар илгари сурилди.

Ҳўзирги кунда Афғонiston катта ўзгаришлар бўсағасида турибди. Шу жумладан, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича амалий ишлар давом этаётди. Афғон ёшларини, хусусан, қизларни таълим билан камраб олиш муаммолари ҳал қилинмоқда. Мен афғон қизларининг бир вакиласи сифатида Афғонiston муваққат ҳўкуматининг қўллаб-қувватлаши билан Ўзбекистонга келиб таълим олмамоқдам.

Афғонistonда таълим олишга қизикадиган ва Ватанимиз тараққийоти учун ҳизмат қиломоқчи бўлган тенгдошларим жуда кўп. Уларнинг таълим олиши, замонавий мутахассисликларни эгаллаши учун янги-янги олий таълим муассасалари очилса, мазкур билим юртларида тахсил олган ёшлар Афғонistonни тараққий этган мамлакатлар қаторига олиб чиқиш йўлида меҳнат қилади.

Ўзбекистон Афғонistonга барча соҳада қўмак бермоқда. Шундан айтаётганим, мамлакатингиз ва халқингиз кўмагини ҳар бир афғон фуқароси қалбан чуқур ҳис қиломоқда.

Конференция якунида Афғонiston Муваққат ҳўкумати делегацияси раҳбари, ташқи ишлар вазири вазирасини бажарувчи Амир Хон Муттақий ва давлатимиз раҳбарининг ташқи сийёсат масалалари бўйича махсус вакили Абдулазиз Комиллов журналистларнинг саволларига жавоб қайтарди.

Амир Хон МУТТАҚИЙ, Афғонiston ташқи ишлар вазири вазирасини бажарувчи:

— Ўзбекистон раҳбарияти саъй-ҳаракатлари билан Тошкентда ўтказилган конференцияда 35 киши

сўзга чиқди. Уларнинг фақатгина 2 нафари бугунги кунда Афғонiston янги ҳўкумати томонидан амалга оширилаётган ислохотларни салбий томондан баҳолада. Қолган аксарият мабурузчилар Афғонistonдаги ижобий ислохотларга эътибор қаратиб, уларни эътироф этди.

Мазкур конференциянинг яна бир муваффақиятли томони шундаки, аввалги афғон инқирозига бағишланган анжуманлардан, асосан, хавфсизлик, зўравонликни туғатиш ва сулҳ тузишга қақрилган бўлса, бугунги тадбирда Афғонiston раванки умун иқтисодий ривожланиш бўйича лойиҳаларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Энг муҳими, конференция қатнашчилари Афғонistonдаги бугунги ҳақиқий вазиятни тўлиқ тушуниди. Бу эса ўзаро сийёсий ва иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйишга асос яратаети.

44 йилдан сўнг, ва ниҳоят, Афғонiston марказий ҳўкумати ташкил топмоқда. Бугун Афғонiston ҳудуди яхлитлигича марказий ҳўкимият томонидан бошқарилмоқда. Бу бошқа мамлакатларга Афғонiston билан алоқаларни ўрнатишга имкон яратаети.

Умид қиламанки, мазкур конференциядан кейин Афғонistonнинг барча «музлатиб» қўйилган активларини қайтариш имконияти янада ошади.

Яна бир муҳим гап. Афғонiston бундан кейин минтақадagi бекарорлик манбаи бўлмайдми. Чунки раҳбарият мамлакат ҳудуди «Ан-Қолида» ва бошқа террорчи ташкилотлар томонидан фойдаланилмаслигига қафолат беради.

Шу билан бирга, Афғонistonнинг кейинги мақсади дунёнинг барча давлатлари, шу жумладан, Ўзбекистон билан ўзаро ҳўрмат асосида дипломатик муносабатлар ўрнатишдан иборат.

Фурсатдан фойдаланиб, дўст Ўзбекистон Президентини, ҳўкумати ва халқига Афғонiston муаммосини ўз дарди деб билгани ҳолда ёндашаётгани, мавжуд муаммоларни мулоқот йўли билан ҳал этиш бўйича махсус майдон яратгани учун чуқур миннатдорлик билдирдим.

Абдулазиз КОМИЛОВ, Ўзбекистон Президентининг ташқи сийёсат масалалари бўйича махсус вакили:

— Муҳтарам Президентимиз конференция иштирокчиларига йўлаган мурожаатда қатор муҳим ташаббусларни илгари сурдилар. Анжуман қатнашчилари ушбу тақлифларни катта қизиқиш билан қутиб олди.

Иштирокчиларнинг барчаси ҳўзирги реал вазиятни тан олган ҳолда масалани чуқур ўрганиб, шу асосда ўз фикрларини билдирди. Аввало, биз ҳўзир муллақо бошқа Афғонiston билан муоамала қиломоқдамиз. Тошкент конференциясида барча томонлар билан бирга мана шу янги Афғонistonга қандай ёр

ҚОНУН ЛОЙИХАЛАРИ ДЕПУТАТЛАР МУҲОКАМАСИДА



Қонун лойиҳасига белгила- наётган нормалар электрон ра- қамли имзодан фойдаланишда юзага келадиган тўсиқларнинг олдини олиш, жамиятда электрон рақамли имзонинг ҳуқуқий аҳамиятини кучайтиришга хизмат қилади. Шу билан бирга, фойда- ланувчиларга электрон рақамли имзо калитларини бериш жараёни соддалашти- рилади ва тезлаштирилади. Бу эса элек- трон давлат хизматларини тақдим қилиш имкониятларини оширади.

Қонун лойиҳасига асосан ишончли учин- чи томон ташкил этилиши билан ҳорижий давлатнинг электрон рақамли имзоси Ўзбекистон Республикасида тан олинади. Ишончли учинчи томон хизматининг яратилиши нафақат йирик, балки ўрта ва кичик инвесторларнинг ҳам ўз инвестиция- ларини ҳимоя қилиш, бизнес фаолиятини кенгайтириш имконини беради.

Депутатларнинг таъкидлашича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши билан жисмоний ва юридик шахсларга бир неча ахборот тизимида ягона электрон ра- қамли имзо калити билан ишлаш имко- нияти яратилади. Электрон рақамли имзо калитлари сертификатларини қозғ кўри- нишида бериш амалиёти тугатилди. Шунингдек, фойдаланувчиларга доимий равишда ўзи билан маълумот ташувчи курилмалар (флешка)ни олиб юришга ҳолат қолмайди. Бу эса, ўз навбатида, рўйхатда олиш марказлари учун сарф- харажатлари тежаш имконини беради.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

Лойиҳа кўмитага қайтарилди

“Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий Жавобгарлик Тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда моддама-модда атрофлида кўриб чиқилди. Унда ўсимликларни ва ниҳолларни қонунга хилоф равишда кесганлик, кун- даков этганлик, шикастланганлик, йўқ қилганлик ёки бошқа жойга кўчириб ўтказганлик учун жавобгарликни кучай- тириш, шунингдек, дархатлар ва бутла- лар қимматбахо навларини кесиб, кун- даков этишга, шикастлантиришга, йўқ қилишга олиб келадиган лойиҳа ҳужжат- ларини ишлаб чиққанлик учун жавобгар- ликни белгилаш назарда тутилмоқда.

Мажлисда депутатлар томонидан лойиҳадаги айрим моддаларни қайта ишлаш ва маромига етказиш зарурати борлиги айтилди. Билдирилган фикрлар инobatта олинган ҳолда қонун лойиҳаси масъул кўмитага қайтарилди.

Вазифаларни тўлақонли бажаришга имкон яратади

Мажлисда “Норматив-ҳуқуқий ҳужжат- лар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисида”ги қонун лойиҳасининг муҳокамаси ҳам қиз- гин кечди.

Қайд этилганидек, мамлакатимизда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси фаолиятини тартибга со- лувчи бирон-бир қонун мавжуд эмас. Бу соҳадаги ижтимоий муносабатлар идо- равий норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан тартибга солиниб келинмоқда.

Тақлиф этилаётган қонун лойиҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси соҳасидаги ваколатли органлар, уларнинг бу борадаги асосий фаолият йўналишлари ҳамда коррупция- га қарши экспертиза ўтказиладиган нор- матив-ҳуқуқий ҳужжатлар доираси назар- да тутилмоқда.

Маъмурий жавобгарликнинг қабул қилиниши Коррупцияга қарши курашиш агентлиги зиммасига юклатилган вазифаларни тўлақонли амалга оширишга имкон беради. Энг муҳими, мамлакатим- изда коррупцияга қарши курашишнинг норматив-ҳуқуқий асосларини такомил- лаштиришга хизмат қилади.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутат- лар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Яна қандай янги нормалар белгилашга имкон

“Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида”ги қонун лойи- ҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, амалдаги қонунда давлат чегараси билан боғлиқ асосий тушунчалар берилмагани қонунчилик ҳуқуқини қўллаш амалиётида нормалар- нинг турлича талқин қилинишига сабаб бўлмоқда.

Натижада давлат чегарасини жиҳоз- лашда, манфаатдор вазирликлар, дав-

лат кўмиталари ва идоралар томонидан ўз ваколати доирасида белгиланган ва- зифаларни бажаришда бир қатор му- аммо ҳамда тушунмовчиликлар келиб чиқмоқда.

Ҳуқуқни қўллаш амалиётида пайдо бўлаётган тушунмовчиликларни бартараф этиш, Ўзбекистон Республикаси ҳудуди- даги чегара режимига жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини қонун билан мустаҳкам- лаш мақсадида илгор ҳорижий тажриба- ни инobatта олиб ҳамда замон талаб- ларидан келиб чиққан ҳолда мазкур қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Тақлиф этилаётган қонун лойиҳаси- нинг қабул қилиниши Ўзбекистон Рес- публикаси давлат чегарасини ишонч- ли кўриқлаш ва ҳимоялашга ҳуқуқий асос бўлади.

Қизгин баҳс-мунозаралар, савол-жа- воблардан сўнг қонун лойиҳаси депутат- лар томонидан қабул қилинди.

Манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш бўйича асосий принциплар ўз аксини топмоқда

Мажлисда депутатлар томонидан “Манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси би- ринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, қонун лойиҳаси 5 та боб, 32 та моддадан иборат. Маз- кур ҳужжат билан “манфаатлар тўқнашувини” тушунасиз, давлат зиматларининг мажбуриятлари ҳамда уни тартибга со- лиш бўйича аниқ механизмлар назарда тутилмоқда.

Қонун лойиҳаси билан давлат таш- килоти ҳодими ёки унинг яқин қариндо- ши ақциядор, муассис (иштирокчиси), бошқарув органи аъзоси ҳисобланади- ган юридик шахс ўшбу ҳодимларга ало- қадор шахс ҳисобланиши, давлат таш- килоти фаолиятини манфаатлар тўқна- шувини тартибга солишда ваколатли органлар, яъни Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, давлат ташкилотла- рининг одоб-ахлоқ комиссиялари, кадрлар бўлинулари ва коррупцияга қарши ички назорат тузилмаларининг вазифалари белгилашмоқда.

Бундан ташқари, қонун лойиҳасида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш бўйича асосий принциплар, дав- лат ташкилоти ҳодимларига нисбатан манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш борасида чекловлар ўз аксини топмоқда.

Савол-жавобларга бой бўлган маж- лисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

Миллий гвардия органлари ҳодимларга қўшимча вазифалар юклатилмоқда

Мажлисда кўриб чиқилган наватбадта- ги ҳужжат “Экология ва жамоат тарти- бини сақлаш соҳаларидаги қонунчилик такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшим- чалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойи- ҳаси бўлди.

Таъкидланганидек, амалдаги қонунчи- ликка мувофиқ, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомалар тузиш вако- латлари ҳудудий ички ишлар органла- рининг раҳбарияти, профилактика инспек- торлари ва йўл харакати хавфсизлиги ҳодимларига берилгани сабабли пат- рупл-пост хизмати ҳодимлари ўзи аниқ- ланган маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолатла- ри юзасидан ҳуқуқбузарни мажбурий тар- тибда ички ишлар органига ёки таянч пунктига келтириб, билдириг орқали ва- коллатли мансабдор шахсга топшириш амалиёти жорий қилинган.

Ҳозирги кунда Миллий гвардия орган- ларига Маъмурий жавобгарлик тўғриси- даги кодекснинг 6 та моддасида назар- да тутилган ҳуқуқбузарликлар бўйича маъмурий баённома расмийлаштириш ва тегишли судга юбориш ваколати берил- ган. Миллий гвардия органларига маъ- мурий ҳуқуқбузарликлар бўйича иш юритиш (баённома тузиш) ваколати бе- рилмагани туфайли аниқланган ҳолат- лар юзасидан тўпланган ҳужжатлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа орган- ларга хал этиш учун юборилмоқда.

Шу жиҳатдан, ўшбу қонун лойиҳасида ички ишлар органларининг масъуляти- ни ошириш, уларнинг хизмат самара- доллигини кучайтириш мақсадида ички ишлар бўлимлари (бошқармалари)нинг бошлиқлари ёки бошлиқ ўринбосарла- рига қўшимча равишда 8 турдаги маъ- мурий ҳуқуқбузарликни кўриб чиқиш, про- филактика инспекторларига қўшимча ра- вишда 10 турдаги маъмурий ҳуқуқбузар- лик бўйича баённома расмийлаштириш белгилаб қўйилмоқда.

Шунингдек, патруль-пост хизмати ҳодимларига 8 турдаги маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича баённома рас- мийлаштириш, Миллий гвардия орган- лари ҳодимларига қўшимча равишда 13 турдаги маъмурий ҳуқуқбузарликни кўриб чиқиш ҳамда 4 турдаги маъму- рий ҳуқуқбузарлик бўйича баённома расмийлаштириш ваколати берилиши назарда тутилмоқда.

Таъкидланганича, ўшбу қонун лойиҳа- сининг қабул қилиниши ҳуқуқбузарлик- ларни ўз вақтида бартараф этиш, инсон ва фуқароларнинг шахсий хавфсизлиги- ни ишончли кафолатлаш ҳамда ҳудуд- лардаги криминоген вазиятнинг ижобий томонга ўзгаришига эришишга йўл оча- ди. Шунингдек, мазкур соҳадаги муно- сабатларнинг қонун билан тартибга со- линишига хизмат қилиши айтилиб, ўшбу ҳужжат депутатлар томонидан қабул қилинди.

Фуқаро ва тадбиркорлик субъектларининг одил судловга эришиш даражаси янада ошади

“Давлат органлари билан муноса- батларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг самарали ҳимоя этилишини таъминлаш бўйича қўшимча чоралар қўрилиши муносаба- ти билан Ўзбекистон Республикаси- нинг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш

тўғрисида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокама этилди.

Таъкидланганидек, мазкур лойиҳа билан Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги, Фуқаролик процессуал, Иқтисодий процессуал кодексларига, “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги, “Давлат божи тўғри- сида”ги қонунларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилапти.

Қонун лойиҳасида маъмурий суд ишларини юритишни “суднинг фаол иштироки” тамойили асосида амалга ошириш, бунда маъмурий судларга ишининг ҳақиқий ҳолатларини аниқлаш учун ўз ташаббуси билан далиллари йиғиш мажбуриятини юклаш, ҳуқуқи бузилган фуқаро ёки тадбиркорлик субъектига эса далиллари йиғишда фақат ўз имконияти доирасида ишти- рок этиши белгилашмоқда.

Шунингдек, маъмурий судларнинг оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар бўйича ҳал қилув қарор- лари давлат органлари ёки ташкилотла- ри томонидан ижро қилинмаган тақдир- да, уларнинг мансабдор шахсларига нис- батан суд жарималарини қўллаш, тақро- ран ижро қилинмаганлиги учун дастлаб қўйилган суд жаримасини оширилган миқдорда қўллаш назарда тутилмоқда.

Мажлисда қайд қилинганидек, қонун лойиҳасида судлар тизимида “Ягона дар- ча” тамойилини кенг жорий этиш, жум- ладан, судлар томонидан давло ариза- си, ариза ҳамда шикоятни судга таал- луқли бўлмаганлиги сабабли қабул қилиниш рад этиш ёки иш бўйича иш юритишни тугатишни таққилош, бунда давло аризаси, ариза, шикоят ёки иш учун ишнинг қилиниши ваколатли судга ўтказиш ўз аксини топмоқда.

Депутатларнинг таъкидлашича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолияти устидан самарали суд назор- атини ўрнатиб ҳамда фуқаро ва тад- биркорлик субъектларининг одил судлов- га эришиш даражасини оширишга, фуқаролар ҳамда тадбиркорлик субъект- ларининг бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилишга судларнинг, айниқса, маъмурий судларнинг ролини кучайтиришга, маъ- мурий судларни ҳақиқий ҳалқ судига ай- лантиришга хизмат қилади.

Мажлисда депутатлар томонидан кўта- рилган саволлар ҳамда тақлифлар юза- сидан жаваблар олинди, мазкур қонун лойиҳаси қабул қилинди.

Мулкка оид муносабатларни тартибга солишга хизмат қилади

Мажлисда бир гуруҳ депутатлар то- монидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида киритилган — “Ўзбекистон Рес- публикасининг Фуқаролик кодексига ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда концептуал жи- ҳатдан кўриб чиқилди.

Қонун лойиҳаси билан киритилаёт- ган ўзгартиш ва қўшимчалар Фуқаро- лик кодексига назарда тутилган қоидаларнинг турлича талқин этилишининг олди олинишига, мулкка бўлган ҳуқуқлари бекор қилиш ва мулкка доир муносабатларни тартибга солишга ҳуқуқий асос яратади.

Мажлисда қонун лойиҳаси ҳалқ ва- қиллари томонидан қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Сенатор ва ҳаёт

МУРОЖААТЛАР ЕЧИМИ ЮЗАСИДАН ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТ ВА ТУШУНТИРИШ БЕРИЛДИ

Қуни кеча Олий Мажлис Сенасти Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш кўмитаси раиси ўринбосари Ш. Чўлпиев фуқаролар қабулини ўтказди.

Сенат девонининг Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш бўлими томонидан ташкил этилган мазкур қабул жараёнига 40 нафар фуқаро ташриф буюриб, уларнинг кийнаётган муаммолар юзасидан мурожаат қилди.

Қабул жараёнида 18 нафар фуқарога мурожаатларда кўтарилган масалалар ечими бўйича ҳуқуқий маслаҳат ва тушунтириш бе- рилди. Қолган 22 нафарнинг арази “Жисмо- ний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонун нормалари асосида рас- мийлаштирилди.

Мурожаатларнинг асосий қисmini ижтимоий соҳа ҳамда суд-ҳуқуқ масалалари таш- кил этиди.

Сенатор томонидан мурожаатлари тўлиқ ўрганиб чиқилш ва натижалари бўйича қонун- ий қарор қабул қилиш юзасидан муассадида вазирлик ва идоралар, ҳудудлардаги масъул раҳбарларга тегишли кўрсатмалар берилди.

«Халқ сўзи».

ХОРИЖИЙ ВА МИЛЛИЙ ТАЖРИБА

Тажрибадан маълумки, Конституция қонун- қондаларига қатъий амал қилинишини таъминлаш мақсадида Конституциявий судлар ташкил этилади. Бирорта Конституция қонунчилик билан тартибга соладиган ижтимоий ҳаётнинг барча ҳолатини белгилашга қодир эмас. Шу боис мамлакатларнинг Конституцияси билан бир қаторда, бошқа қонунлар ҳам мавжуд бўлади.

Мулоҳаза

Уларда ҳар бир давлатнинг Асосий Қонунида ўз ифодаси- ни топчаган муносабатларни тартибга солиш қоидалари му- жассамлашади. Шу билан бир қаторда, ана шу қонунларнинг бирортаси Конституция талаб- ларига асло зид бўлмастлиги керак. Шунинг учун ҳам мам- лакатларда конституциявий судлар ташкил этилган.

Умуман, Конституция қоидалари тўғри амалга оширилишини назорат қилиш зарурати Буюк Британияда XVII аср бошларида Яширин кенгаш номини олган органи жорий қилишга олиб келган. У мамлакатдаги барча қонун- чилик ҳужжатлари бўйича ҳулосалар чиқариш ҳуқуқига эга бўлган.

Ана шундай конституциявий назоратни амалга ошириш

АҚШда ҳам йўлга қўйилган.

Германия Федерал консти- тудиявий суднинг асосий ва- зифаси давлат ёки йирик корпорациялар мамлакатнинг Асосий Қонунини бузмаётган- лигини текширишдан иборат- дир. Бунда асосий эътибор фуқароларнинг инсон қадр- қиммати, касби ва иш жойи- ни эркин танлаш, мол-мулкка эга бўлиш каби ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган.

Шу билан бирга, айрим мамлакатларда Конституция- вий кенгашли 1958 йилда ташкил этилган. Унинг вазифа- лари бошқа давлатлардаги конституциявий судларга ўхшаш, бироқ ваколатлар ва вазифаларда жиҳдий тафовут- лар мавжуддир. Масалан,

кегаш амалдаги қонунларни бекор қилиш ҳуқуқига эга эмас. Шунингдек, Конститу- циявий кенгаш қонунларнинг Конституцияга мувофиқлигини ўз ташаббуси бўйича текши- ра олмайд.

Бу масала бўйича фақат мамлакат Президенти, Бош вазир, Сенат ва Мил- лий кенгаш раисларигина Конституцияга мувофиқлигини текшириш тўғрисида сўров бе- риш ҳуқуқига эга.

Кенгаш ҳуқуқий ҳужжатлар — қонунлар ёки қонуности ҳуж- жатлари мақоми ҳамда қонун- чилик ва ижро ҳокимияти ўрта- сидаги ваколатларни чегара- лаш масалаларини ҳал этиди, мамлакат Президенти сайло- ви ўтказилишини назорат қилади. У мазкур сайловлар- нинг якунини белгилайди, Президент адолатли сайлан- ганлигини очиқлайди, ана шу лавозим бўш бўлган ҳолатлар- да давлат раҳбарини белги- лаш тартибини ҳал этиди. Шу билан бирга, кенгаш рефе- рендумларни ўтказди ва улар якунларини чиқаради, депутат- лар ва сенаторлар тўғри сай- ланганлиги тўғрисида қарор- лар чиқаради. Бундан ташқари, Конституциявий кенгаш

Президентга мамлакатда фавқулдда ҳолат эълон қилиш масаласи юзасидан масла- ҳатлар беради.

Юқорида қайд этилганлардан Конституциявий кенгаш Конституцияга амал қилиниши таъминлаш кафолатига эга- лигини аниқлаш. Чунки бу ҳуқуқ Франция Конституцияси- нинг 5-моддасига мувофиқ мамлакат Президенти вако- латига қиради. Айни чоғда Конституциявий кенгашнинг қарорлари бекор қилиниши мумкин эмас, бу қарорлар ҳокимият, маъмурий суд органлари учун мажбурийдир.

Юқоридаги халқро тажри- бадан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Конституциясида Ўзбекистон Республикаси Конституция- вий суди ваколатларини кенгайтириш масаласини киритиш мақсадида мувофиқ, деган фикрдамыз.

“Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида” ги амалдаги қонунда Конституциявий суднинг Олий Мажлис палаталари қарорла- ри, Президент фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, ҳукумат, маҳаллий давлат

ҳокимияти органлари қарорла- ри, давлатларaro шартнома- вий ва бошқа мажбуриятла- рининг Конституцияга муво- фиқлигини аниқлаш, Бош қомус ва қонунлар норма- ларига шарҳ бериш, консти- тудиявий ҳуқуқ ва эркинликка муайян ишда қўлланилган ва Конституцияга мувофиқ бўлмаган қонунда бузилган деб ҳисобловчи фуқаролар ҳамда юридик шахсларнинг шикоятларини кўриб чиқиш ваколатлари берилган.

Биз Ўзбекистон Республи- каси Конституциясига Ўзбе- кистон Республикаси Консти- тудиявий суди ваколатларини мамлакат Президенти сайло- ви ўтказилишини назорат қилиш, мазкур сайловларнинг якунини белгилаш, Президент адолатли сайланганлигини эълон қилиш, умумхалқ рефе- рендумларини ўтказиш ва улар якунларини чиқариш, депутат- лар ва сенаторлар тўғри сай- ланганлиги тўғрисида қарор- лар чиқариши киритиш тас- клиф этимаиз.

Эркин ЭРНАЗАРОВ, «Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари» журналининг бош муҳаррири, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист.

Муносабат

Хотин-қизларга ажратиладиган таълим кредитлари учун гаров ва кафилликлар талаб этилмайди

Жамиятда сиёсий, ижтимоий- маънавий муҳит барқарорлиги ва тараққиётга аёлларга, оилага бўлган муносабат билан ҳам боғлиқ. Сабаби миллатнинг ўзини хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, шубҳасиз, оиланинг, оилада эса аёлнинг алоҳида ўрни бор.

Шу маънода, кейинги йилларда мамла- катимизда таълим ташкилотларида тахсил олиш истагидаги хотин-қизлар учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш, уларнинг ил- мий салоҳияти ва малакасини тизимли оши- риш боришни қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилмоқда.

Президентимизнинг шу йил 18 июлдаги «Олий, ўрта махсус ва профессионал таъ- лим ташкилотларида хотин-қизларнинг таъ- лим олишларини қўллаб-қувватлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида» ги қарори жамия- т ҳаётида янги бир давр, янги бир босқич- ни бошлаб беради, десак, мулобага эмас.

Мазкур қарор матни билан танишар экан- миз, у кейинги йилларда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган энг муҳим ҳужжатлардан бири эканига амин бўлдик. Ҳўжажат қизларнинг таълим ва кас- би йўналдирилган оқша, қобилиятларини тўғри йўналтириш бўйича устувор вазифа- лар белгиланган.

Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 7 мартдаги тегишли Фармонида мувофиқ, 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб республи- кадаги барча хусусий, ҳорижий ҳамда давлат олий, ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотларида кундузги, сиртки ҳамда кеч- ки таълим шаклида хотин-қизларнинг тўлов- шартомна асосида тахсил олиши учун имти- лан шартларда таълим кредитларини милли- лаштириш мақсадида тижорат банкларида Давлат бюджетидан маблағ ажратишнинг янги тизими жорий этилмоқда.

Айниқса, тижорат банклари Молия ва- зирлиги томонидан жойлаштирилмаган депозит маблағлари ҳисобидан таълим кре- дитларини 14 фоиз ставкада ажратиши, таъ- лим кредитининг асосий қисми талабанинг расмий ўқиш муддати тугагандан сўнг ет- тинчи ойдан бошлаб 7 йил давомида қайта-рилиш кўп йиллар давомида таълим олиш истагида юрган хотин-қизларнинг орзулари рўёбга чиқишида катта имконият бўлди, десак, айни ҳақиқатни айтиш бўлмайди.

Эътиборли томони, таълим кредити бўй- ича фоиз ставкаларини сўндириш Молия ва- зирлиги ҳузуридаги Таълим кредитини мо- лиялаштириш жамғармаси маблағлари ҳис- обидан, уларни тижорат банкларига тўлаш орқали амалга оширилади. Шунингдек, таъ- лим кредитини расмийлаштиришда ва унинг қайтарилишида талабанинг доимий даромад маъбаига эга бўлган оила аъзолари ҳамда бошқа учинчи шахс билгалликда қарз олувчи сифатида қатнашишга ружсат этилади.

Давлатимиз раҳбарининг мазкур қарори билан “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” га кирган оилаларнинг хотин-қизларига ажра- тиладиган таълим кредитлари учун гаров ва кафилликлар талаб этилмайди. Жамгарма маблағлари ҳисобидан тижорат банклари- нинг сўровларига асосан келгусида 14 фоиз ставкада таълим кредити ажратиш учун улар- га 10 фоиз ставкада депозит маблағлари жойлаштирилади.

Жамгарма томонидан таълим кредитла- ри учун тижорат банклари зарур маблағ- лар ажратилишини таъминлаш ва назорат қилиш мақсадида жамгармага 1 та Мак- табгача таълим вазирлиги штат бирликла- рини мақбуллаштириш ҳисобидан ва 1 та Молия вазирлигининг умумий штат бирли- клари доирасида, жами 2 та штат бирлиги ажратилади.

Ишонч билан айтиш мумкинки, бирор давлатда янги Ўзбекистонда бўлган каби хотин-қ